Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл obod!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2013 йил 16 февраль ШАНБА
● № 13 (12.545)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

Ҳунармандчилик

## ФАЙЗУ БАРАКА МАНБАИ

*Фаррух Сулаймоновни Ангрен шаҳрида ўз ишининг устаси сифатида танишади. У тунукадан ясаётган маҳсулотлар харидорларга маъқул келмоқда.*

*– Бу иш билан 12 йилдан бери шуғулланаяпман, – дейди уста темирчи. – Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бу ҳунаримиз ортидан кам бўлмаяпмиз. Ҳунармандларга яратиб берилаётган қулайликлардан оқилона фойдаланишимиз керак.*

*Бугун уста темирчи шогирди Баҳром Машарипов билан бирга маҳаллий ёшларга ўз ҳунарини ўргатиб, янги иш ўринлари ҳам яратмоқда.*



*СУРАТДА: уста темирчи Фаррух Сулаймонов шогирди Баҳром Машарипов билан.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

**Халқ ҳокимияти, халқ хоҳиш-иродаси, очиқ ва эркин сайловлар демократиянинг универсал талаблари, унинг ажралмас қисми саналади. Сайлов ҳуқуқи ҳар бир давлатда унинг тарихий анъаналари, сиёсий тизим характери, электорат хулқи ва бошқалар билан боғлиқ ўз хусусиятларига эга. Шу билан бирга, демократик давлатларда сайлов ҳуқуқи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган ва умумэътироф этилган тамойилларга асосланади. Улар сирасига сайлов ҳуқуқининг умумийлиги ва тенглиги, яширин овоз бериш ҳуқуқи ва бошқаларни киритиш мумкин.**

## ОЧИҚ, ЭРКИН САЙЛОВЛАР – ДЕМОКРАТИЯ ТАЛАБИ

Мустақил ривожланиш йилларида Ўзбекистон асосий стратегик вазифалардан бири – демократик, ҳуқуқий давлат ва кучли, очиқ фуқаролик жамиятини барпо этишда салмоқли натижаларга эришди. Жамият ҳаётининг барча соҳаларини тадрижий, босқичма-босқич либераллаштириш ва демократлаштиришни таъминлайдиган барча зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратилди. Бунда замонавий Ўзбекистонни модернизациялаш, шунингдек, жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий янгиланишини қамраб олган барча ислоҳотлар ривожланаётган демократик мамлакатларнинг илғор тажрибасини чуқур ўрганиш натижалари ва кўп миллатли халқимизнинг бой тарихий ва маданий мероси, анъаналари ва қадриятлари асосига қурилгани алоҳида аҳамият касб этади.

Тамомила янги давлат тузумини шакллантириш, ижтимоий-сиёсий қурилиш, ҳокимият тармоқларининг демократик бўлиниши масалаларида сайлов институти – халқ ҳокимиятининг конституциявий тамойиллари, шунингдек, жамиятда сиёсий ва ижтимоий плюрализмни таъминлайдиган сайлов қонунчилигининг самарали тизимини яратиш муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимиз сайлов ҳуқуқининг асослари белгилаб берилган. Асосий Қонунимизда сайловлар ўтказишнинг умумэътироф этилган ва демократик мамлакатларда амал қиладиган қоидалар асосида шакллантирилган демократик тамойиллари мустаҳкамлаб қўйилгани фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи амалга ошишига хизмат қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, сайлов қонунчилиги ва унинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг ажралмас қисмига айланди.

Таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий, давлат ва ҳуқуқий тизимлар изчил, босқичма-босқич модернизация қилиниши натижасида энг юқори демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими барпо этилди.

Сайловларнинг умумэътироф этилган халқаро меъёр ва тамойилларга мос келадиган самарали қонунчилик, норматив-ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Марказий сайлов комиссияси бошчилигида давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни таъминловчи сайлов комиссияларининг яхлит мустақил тизими ташкил топди.

Фуқаролар, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин, фаол иштирок этиши учун ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник шароитлар, уларнинг сайлов ҳуқуқлари тўлиқ амалга ошишининг замон талабларига жавоб берадиган ва халқимизнинг анъанавий қадриятлари ҳамда менталитетини тўлиқ акс эттирадиган мустаҳкам кафолатлари яратилди.

(Давоми 2-бетда).

## Вилоят ҳаёти

### Қибрай тумани

#### ТАДБИРКОРЛАРГА МАСЛАҲАТ

**Байтқўрғон қишлоғида Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси ташаббуси билан тадбиркор аёллар учун семинар ташкил этилди.**

Иштирокчилар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун яратилаётган имкониятлар, банк кредитлари ва солиқ имтиёзлари тўғрисида кенг маълумот олишди. Шунингдек, ўз бизнесини бошлаётган ишбилармон хотин-қизларнинг соҳага оид билимини ошириш ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш юзасидан маслаҳатлар берилди. Шундай семинар тумандаги Салар шаҳарчаси ва бошқа маҳалла ҳамда қишлоқларда ҳам ўтказилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

### Зангиота тумани

#### ЯНГИ ТИКУВЧИЛИК ЦЕХИ

Чоштепа қишлоғи "Тутзор" маҳалласи оқсоқолининг ташаббуси билан маҳалла идорасининг фойдаланилмаётган хонасида тикувчилик цехи ташкил этилиб, 5 та змонавий тикув машинаси ўрнатилди.

Цех ишга тушиб, маҳалланинг 7 нафар хотин-қизи ишли бўлди.

### Бекобод шаҳри

#### НАТИЖАЛАР КЎНГИЛДАГИДЕК

"Ўзбекистон металлургия комбинати"да январь ойида 58459 тонна пўлат эритилиб, 56200 тонна прокат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати пўлат эритишда 125,1 фоиз прокат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 100,4 фоизни ташкил этди.

**Зилола АЛИЕВА.**

#### САЛОМАТЛИК ҲАФТАЛИГИ

**Оҳангарон ва Янгийўл туманларида "Саломатлик ҳафталиги" тадбирлари давом этмоқда. Саломатлик ва тиббий статистика институти ҳамда ОИТСга қарши кураш маркази вилоят филиаллари ҳамкорлигида уюштирилаётган семинар-тренинглар маҳаллаларда бўлиб ўтмоқда.**

Мактаб ўқувчилари, коллеж талабалари иштирок этаётган тадбирлар ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ОИТС, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик каби иллатларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар хусусидаги очиқ мулоқотлар тарзида уюштирилаяпти.

**Фарида КОМИЛОВА.**

Бугуннинг гапи

## СУСПЕНЗИЯДА ҲИКМАТ КЎП

**Вилоятда 2013 йил ҳосили учун бошоқли дон экинлари аксарият майдонларда барвақт ва сифатли экиб олингани боис асосий майдонлардаги ғалла қишловга яхши тупланган ҳолатда кирди. Лекин айрим фермер хўжаликлари экишни кечиктириб юборгани оқибатида туплашга улгурмай, тиним даврига кирган майдонлар ҳам бор. Кеч экилган, қишловга тупламай кирган, шунингдек, ривождан қолаётган майдонларни алоҳида назоратга олиб, тезроқ парваришлаш ҳамда навларнинг биологик ҳолатидан келиб чиқиб, бу майдонларга қўшимча ишлов бериш зарур.**

Январь-февраль бошларида ҳаво илиқ келиши натижасида ғалланинг ривожланиши эрта бошланди. Шу билан бирга баҳорда ҳарорат юқори келиши кутилмоқда. Демак, бошоқли дон майдонларида намлик тез кўтарилиб кетиши экинга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Тажрибалардан маълумки, тупроқ намлигини 70 фоизда ушлаб туриш озиқаси етарли бўлган майдонларда буғдойнинг ривожини 1,5-1,9 мартагача тезлаштиради. Натижада кечки майдонларда туплаш даври қисқа кечиб, найчалаш даври тезлашишини таъминлайди.

Ғалланинг бугунги ҳолатидан келиб чиқиб, биринчи навбатда 3-4 кун ичида фермерлар мутахассислар иштирокида экиннинг ҳолати, ўсиш ва ривожланиш фазаларини аниқлашлари зарур. Шундан келиб чиқиб, агротехник тадбирлар табақалаштирилган ҳолда ўтказилади. Ривождан орқада қолган майдонларга маҳаллий ўғит нисбатан кўпроқ берилади. Қўшимча минерал ўғит ва суспензия билан озиқлантирилади.

Суғориладиган ерлардан ўртача 50-60 центнердан ҳосил олиш учун гектарига соф ҳолда 180-220 кг. азот, 100-110 кг. фосфор (экишдан аввал аммофос 210-238 ёки супрефос 430-470 кг.) ва 60-70 кг. калий (экишдан олдин калий хлор 180-120 ёки калий тузи 150-175 кг.) бериш керак.

(Давоми 2-бетда).

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

**Маҳалла азалдан тинчлик-тотувлик, инсонийлик, меҳр-мурувват, бағрикенглик, юксак ахлоқий тарбия маскани бўлиб келган. Юртбошимиз раҳнамолигида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг ушбу ноёб тизимини ривожлантириш, мавқеини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

## МАҲАЛЛА ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Янгийўл туманидаги "Қирсадоқ" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган семинарда шу ҳақда сўз юритилди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Файзиева ва бошқалар миллий қадриятларимизни эъзозлаш, халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, оилалар мустаҳкамлиги, соҳалар ривожини таъминлашда маҳаллаларнинг ўрни ва аҳамияти ошиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 9 июлда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони фуқаролар йиғинларининг бу борадаги ишлари самарадорлигини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, фаол хотин-қизлар иштирок этган тадбирда муҳокама этилган масалалар бўйича маҳаллаларда тизимли иш олиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**Х. САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Семинар-тренинг

## ТЎРТ НАШР ТАҲЛИЛИДАН БОШЛАНГАН КУН

**Юртимизда янгиланиш, ривожланиш босқичлари жадал давом этмоқда. Ҳар соҳада замон талабига мос тараққиёт омиллари шаклланиб бормоқда. Шиддатли давр оммавий ахборот воситалари олдига ҳам ўзига хос талабларни қўймоқда. Хусусан, замон билан ҳамнафас бўлиш, ҳар бир масалага танқидий нуқтаи-назардан баҳо бериш оммавий ахборот воситаларининг асосий вазифасига айланмоқда.**



Олмалиқ шаҳридаги «Металлург» маданият свройида оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида бўлиб ўтган семинар-тренингда шу мавзулар атрофида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда бугун мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг моҳияти, мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида қай даражада ёритилаётгани, уларда мазмун ва шакл уйғунлиги «Олмалиқ ҳақиқати», «Алмалыкский рабочий» ҳамда «Рангли металлар», «За цветные металлы» газеталари мисолида атрофлича муҳокама этилди.

– Вилоятдаги барча ҳамкасбларимиз билан бундай тадбирларни мунтазам ўтказиб бориш ҳақида келишиб олдик, – деди вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи Зарифа Эралиева. – Мақсадимиз, вилоятимизда фаолият юритаётган барча оммавий ахборот воситалари турларини ҳам мазмунан, ҳам шаклан янги босқичга олиб чиқиш, ютуқларимиз билан ўртоқлашиб, камчиликларимизни биргаликда бартараф этишдир.

Семинарда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Равшан НЕЪМАТОВ.**

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

Бугуннинг гапи

# СУСПЕНЗИЯДА ҲИКМАТ КЎП

Ҳозир ҳавонинг илиқ келишини эътиборга олиб, ғаллани дастлабки баҳорги озиқлантириш ва суғоришни бир мунча эрта бошлаш талаб этилади. Биринчи озиқлантиришда азотли ўғитлар йиллик меъёрининг 25-30 фоизини сепган маъқул. Бу тадбирни 20 февралгача якунлаш мақсадга мувофиқдир.

Озиқлантирилган майдонларда азотли ўғит яхши самара бериши ва ҳосил юқори бўлишини таъминлаш мақсадида пешма-пеш шарбат оқизиш катта наф беради. Шунингдек, сувчиларни кўпайтириш, экин кўллашига йўл қўймаслик ва қисқа муддатда суғориб олиш муҳим аҳамиятга эга. Суғоришда жамғарилган маҳаллий ўғитнинг 40-50 фоизи "шарбат" усулида оқизилса, экиннинг ривожига яхши таъсир этади.

Кузги суғориш охирига етказилмаган, сизот сувлари чуқур жойлашган майдонларнинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олиб, оз меъёрларда, тез-тез ва шарбат усулида суғорилса, тупроқда нам узоқ сақланишини таъминлайди.

Дастлабки озиқлантириш ва суғориш тугагандан сўнг, табиийки, ғалла билан бирга бегона ўтларнинг ривожланиши жадаллашади. Бунинг олдини олиш учун бегона ўтлар тури ва сийрак-қалинлигига қараб, кимёвий дорилар ғамлаш, бегона ўтларга қарши гербицид сепишни буғдойнинг туплаш даврида тугатиш талаб этилади.

Зараркунанда ва касалликларнинг олдини олиш мақсадида ғаллазор атрофидаги ариқ, зовур ва дала уватларини хас-хашаклардан тозалаш, ғаллани чорва моллардан ҳимоя қилиш учун дала атрофини четан билан ўраш бугунги кундаги долзарб вазифалардандир.

Ғўза қатор орасига экилган ғалла ривожини жадаллаштириш учун 4-5 кун ичида далаларни ғўзапоядан тўла тозалаш керак. Ҳозирги ҳар бир қуёшли кун буғдой ривожида катта аҳамиятга эга. Ғўзапоя эса қуёш нурларининг майсаларга текис тушишига халақит беради. Оқибатда ўсимликдаги фотосинтез жараёни сустлашиб, майсалар нимжон бўлиб ривожланади.

Баҳорнинг бошларида бажариладиган долзарб тадбирлардан бири ғаллани барги орқали озиқлантириш бўлиб, уни яъни биринчи суспензия сепишни 10-15 мартгача якунлаш лозим. Об-ҳаво шароитига қараб, ғалла яхши ривожланган майдонларга камида 2 марта, орқада қолган майдонларга 3 марта суспензия сепиш тавсия этилади. Биринчи суспензия бегона ўтларга қарши гербицид қўшиб сепилади. Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти олимлари бу дориларнинг бир-бирига мутаносиб меъёрларини ишлаб чиқишган. Биринчи суспензия таркиби гербицид-карбомиддан иборат бўлиб, бир йўла бегона ўтни ўлдириб, ғалла ривожини тезлаштиради. Мабодо бегона ўт униб чиқмаган бўлса, бундай майдонларда гербицид иккинчи суспензия билан сепилади. Суспензия берилган ниҳолларнинг барги қалинлашади, фотосинтез жараёни жадаллашади. Бундай ўсимликларга зараркунанда ва касалликлар зиён етказолмайди.

Ёввойи сули кўп тарқаладиган ғалла майдони алоҳида ўрганиб чиқилиб, қалин жойларига гербицид сепиш, сийрак жойларида эса қўл билан юлиб ташлаган маъқул.

Қолоқ ва кўчат сийрак майдонларга қўшимча суспензияга биостимулятор қўшиб сепиш яхши натижа беради.

Найчалаш фазасига кирган ғалла азотли ўғитлар йиллик меъёрининг 40 фоизи миқдорида иккинчи марта озиқлантирилади ва пешма-пеш шарбат усулида суғорилади. Шунда бир қисм ўғит ҳавога учиб кетишининг олди олиниб, экин минерал ва маҳаллий ўғитлардан кўпроқ фойдаланади ва пировардида мўл ҳосил тўплаши таъминланади.

**А. ОТАХЎЖАЕВ,**
**ЎзҚХИИЧМ вилоят бўлими раҳбари.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хусусий тадбиркорлик

# ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТНИНГ ИМКОНИЯТИ КЕНГ

**Кичик бизнесимни юритаман, хусусий тадбиркорлик субъектимга эга бўламан деганларга ҳозир ҳамма эшиклар очиқ. Тижорат банкларидан керагича кредит олаверасиз. Текшир-текшир ва бошқа сансалорлигу сунъий тўсиқлар йўқ. Ҳужжатларни расмийлаштириш ва рўйхатдан ўтиш жараёнлари имкон қадар соддалаштирилди.**



Пискентлик тадбиркор Камолат Ҳасанбоева шу имкониятлардан фойдаланиб, 2010 йилда хусусий корхона очди. Аввалига маҳаллий хотин-қизлардан 20 нафарини ишга ёллади. Кейин уйда бекор ўтирганлардан 30 нафарини касаначи сифатида расмийлаштирди. Бу орада "Микрокредитбанк" билан гаплашиб, кредит олди ва уни асосан хом ашё харид қилишга сарфлади. Тез орада банк қарзини қоплади.

2012 йил ноябрда банкдан яна 26 миллион сўм кредит олди. Шу ҳисобидан 20 асосий ишчи ва 30 касаначини хом ашё билан таъминлаяпти. Улар тикаётган катталар ва болалар чойшаблари, кўрпа ва ёстиқ жилдларининг бозори чаққон. Шунингдек, аёллар ва келинлар либосларига ҳам талаб катта. Шу боис ҳозир 25 ёш қизлар устоз-шогирд усулида тикувчиликка ўргатилмоқда.

– Туман ҳокимлигининг ёрдами билан бўшаб қолган эски мактаб биносини ижарага олиб, тўлиқ таъмирлаяпмиз, – дейди Камолат Ҳасанбоева. – Мақсадимиз – уни тубдан мослаб қайта қуриб, нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари цехларини очиш.

**СУРАТДА:** (чапдан) хусусий корхона раҳбари Камолат Ҳасанбоева, тикувчи Муҳаббат Назирова, бичувчи Озода Турсунова, тикувчи Нодира Солиева.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

Касаначилик

# ҚУЛАЙ МЕҲНАТ ШАКЛИ

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тадбиркорлик, ишлаб чиқариш ҳамда меҳнат бозорини барқарор ва мувозанатли ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасида аҳолининг бандлик даражаси ошмоқда.**

Янги иш ўринлари ташкил этишда касаначиликнинг барча шаклларини ривожлантириш муҳим ўрин тутмоқда.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасидан маълум қилишларича, ўтган йили уй меҳнати ҳисобига 16 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этилган.

Бекобод тумани бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказидан олинган маълумотларга кўра, туманда 2012 йилда 365 киши касаначилик асосида ишга жойлаштирилган. Тумандаги "Далварзин" пахта тозалаш заводида 42 нафар касаначи меҳнат қилади. Улар ишлаб чиқариш ривожига ҳисса қўшаётганидан миннатдор.

– Ҳозир асосан иш кийимлари тикмоқдамиз, – дейди касаначилардан бири Кароматм Ҳамидова. – Уйда ишлаш қулай ва фойдали. Қулайлиги – бола тарбияси ва рўзғор юмушларидан ажралмаган ҳолда, уй шароитида меҳнат қиламиз. Қўшимча даромадга эга бўлаётганимиз, тегишли тартибда ижтимоий ҳимояга олинганимиз эса касаначиликнинг фойдали жиҳатларидандир.

**ЎзА.**

2013 йил – Обод турмуш йили

# ЧИНОЗДАГИ БИР ГЎША



"Ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шарти – бу, аввало, маҳаллани обод қилиш демакдир" дея таъкидлайди Юртбошимиз.

Зеро, маҳалла – Она юрт рамзи. Ўзбекнинг миллий қадриятларию урф-одат ва анъаналарини ўзида акс эттирган гўша. Меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик каби инсоний фазилатлар куртак ёзадиган замин. Шундан бўлса керак, мустақиллик йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ улкан ўзгаришлар рўй берди.

Маҳалла – ўзини ўзи бошқариш органи сифатида фуқаролар салоҳиятини рўёбга чиқариш, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга шароит яратиш билан бирга жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда. Қолаверса, маҳалла маънавий ҳаётимизни, миллий онг, эътиқод ва тафаккуримизни юксалтиришга хизмат қилмоқда, десак муболаға бўлмайди.

Юртимиздаги 10 мингдан зиёд маҳаллаларнинг ички имкониятлари кенгаяётгани ва ташқи қиёфаси ўзгариб бораётгани кишини айниқса қувонтиради. Обод ва кўркам кўчалар, бир-биридан чиройли, саранжом-саришта боғлар, замонавий бичим ва шаклдаги бинолар дилни яйратади.

– 2013 йилга Обод турмуш йили дея ном берилиши бежиз эмас, – дейди Чиноз тумани Илҳом Шарипов маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Ханифа Собирқулова. – Юртбошимиз таъбири билан айтганда, обод деганда биз халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, файз-барака ҳукмрон бўлган жойларни, доимо пок ният ва соғлом интилиш билан яшашни тасаввур қиламиз. Йилга ном бериш негизида ҳам шундай эзгу мақсадлар мужассам.

Дарҳақиқат, қабул қилинган давлат дастурида маҳалла идорасининг, маҳаллада яшайдиган аҳолининг ўзини ўзи бошқариш ва ижтимоий ҳимоялаш тизимларини такомиллаштириш, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш, унга янги ҳуқуқ ва ваколатлар бериш хусусида сўз боришни фикримизни тасдиқлайди.

– Янги йилни янги идорада қарши олдик, – сўзида давом этди раиса. – Қувонарлиси, бу ерда маҳалла идораси, милиция таянч пунктидан ташқари, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик профилактикаси хонаси ҳам бор. Шунингдек, тикув цехи, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва ҳунарга ўргатиш мақсадида ўқув маркази ҳам ишлаб турибди. Савдо дўкони, новвойхона, ошхонанинг маҳалла гузаримизда жойлашгани аҳолига, айниқса, қулайлик яратди. Эътиборлиси, 15 киши ишли бўлди.

– Тикувчиликка ёшлигимдан қизиқардим, – дейди Висола Абдукаримова. – Тикишни қунт билан ўрганишга гоҳида вақт, гоҳида имконият бўлмасди. Цехнинг очилиши вақт ва имконият муаммосини ҳал қилди қўйди. Бу ернинг уйимга яқинлиги ҳам айни муддао бўлди.

"Чиноз тажриба эксперементал" пахта тозалаш очиқ акциядорлик жамияти саъй-ҳаракатлари билан ишга туширилган маҳалла гузари замонавий кўринишга эга. Ҳар бир хона ўзига хос услубда жиҳозланган. Ишлаш учун барча шарт-шароит ва имкониятлар етарли.

– Маҳаллада 700 нафар вояга етмаганлар бор, – дейди профилактика инспектори Ўткир Норжигитов. – Улар орасида кашандалик, ичкиликбозлик каби иллатларнинг олдини олиш мақсадида мунтазам тадбирлар уюштирамиз. Иқтисодиёт ва қурилиш касб-ҳунар коллежида ҳам давра суҳбатлари ўтказамиз.

Бир сўз билан айтганда, бугунги маҳалла фуқаролар йиғинлари фуқаролар ва миллатлараро тотувликка, Ватан, юрт равнақи ҳамда биз учун энг азиз ва муқаддас бўлган қадриятларимизни авайлашга ўргатмоқда.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТДА:** профилактика инспектори Ўткир Норжигитов маҳалла фаоллари билан суҳбатда.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Қарор ва ижро



# ИСТЕЪДОД ВА ИҚТИДОР ҚАНОТИДА

Чирчиқдаги 9-умумтаълим мактабида республика Президентининг "Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида тақдимот ва танлов ўтказилди. Унда умумтаълим мактаблари таълим жараёнида илғор педагогик ва ахборот коммуникация технологиялари ҳамда чет тилларини ўргатиш бўйича мактаблараро тақдимотнинг ҳудудий босқичларида иштирок этган 25 та мактаб орасида энг юқори натижа кўрсатган 7 та мактаб ўқувчилари иштирок этди. Айниқса, 7-, 10-, 14-умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг инглиз тилида бурро-бурро сўзлашлари, шеър айтиб, қўшиқ куйлашлари барчага манзур бўлди.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

**Шу кунларда юртимизда улуғ мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ҳамда шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуди кунлари муносабати билан маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.**

# МАКТАБДА МАЪРИФИЙ КЕЧА

Шундай тадбирлардан бири Зангиота туманидаги 47-умумтаълим мактабида уюштирилди.

Мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари иштирок этган маърифий кечада ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси Алишер Навоий ва Бобурнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган маърузалар тингланди, ўқувчилар тайёрлаган саҳна кўринишлари намойиш этилди. Икки буюк шоирнинг ғазалларидан намуналар ўқилди.

Маърифий кеча мактаб бадиий ҳаваскорлик жамоасининг куй-қўшиқларига уланиб кетди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# ОЧИҚ, ЭРКИН САЙЛОВЛАР – ДЕМОКРАТИЯ ТАЛАБИ

Президентимиз Ислом Каримов томонидан тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" республикани ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёни, жумладан, сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришда янги босқични бошлаб берди. Мазкур тарихий ҳужжатда давлатимиз раҳбари илгари сурган сайлов ҳуқуқининг эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш бўйича қонунчилик ташаббуслари ривожланишнинг замонавий босқичида демократиянинг муҳим белгиси бўлган сайлов жараёнларини янада либераллаштириш, очиқлигини таъминлаш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ва мустақил ифода этишининг мавжуд тамойилларини янада такомиллаштиришда бир туртки бўлди.

"Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан "Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" Ўзбекистон Республикаси Қонуни республика Президенти томонидан Концепцияда эълон қилинган қонунчилик ташаббусларининг ҳаётга татбиқ этилиши саналади. Мазкур Қонун мамлакат парламенти томонидан қабул қилинди ва маъқулланди.

Сайлов жараёнларини янада демократлаштириш масалалари демократик ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми саналади. Шу муносабат билан, Қонунни тайёрлаш жараёнида кўплаб хорижий давлатлар, жумладан, АҚШ, Канада, Германия, Франция, Испания, Жанубий Корея, Япониянинг сайлов тизими, шунингдек, Ўзбекистонда 2004- ва 2009-йиллардаги сайлов жараёнлари таҳлил қилинди. Қонун Марказий сайлов комиссияси ва ҳудудий сайлов комиссиялари аъзолари, вазирлик ва идоралар экспертлари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, фуқаролик жамияти институтлари, хорижий олимлар, сайлов ҳуқуқи соҳаси мутахассислари иштирокида кенг муҳокама қилинди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мазкур Қонун билан мамлакатимиз сайлов тизимига қатор янгиликлар киритилди. Жумладан, сайловолди ташвиқотининг моҳиятини ёритиш ва бир хилда тушунилишини таъминлаш мақсадида унинг таърифи келтирилди: "сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни депутатликка номзод ёки сиёсий партия учун овоз беришга ундашга қаратилган фаолият".

Сайловолди ташвиқоти самарадорлигини ошириш мақсадида Қонунда унинг турлари, олиб бориш шакл ва услублари белгиланди. Жумладан, сиёсий партияларнинг ўз депутатликка номзодлари учун овоз беришга чорлов дастури ва (ёки) сайловолди платформаси ҳақида ахборот тарқатиш, депутатликка номзод тўғрисидаги ахборотни унинг учун овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш кўринишида амалга ошириш мумкин.

Сайловолди ташвиқоти омма олдидаги музокаралар, мунозаралар, матбуот анжуманлари, интервьюлар, чиқишлар, сайловчилар йиғилишлари, депутатликка номзод, сиёсий партия ҳақидаги роликларни жойлаштиришдан иборат бўлди.

Сайловолди ташвиқот услублари – ОАВ, жумладан, телевидениедан фойдаланиш; босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини чиқариш ва тарқатиш; сайловчилар билан учрашувлар. Бунда депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга сайловолди ташвиқоти олиб боришнинг қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тур, шакл ва услубларидан фойдаланишга рухсат берилади.

Қонунда сайлов куни ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмаслиги ҳақидаги норма мустаҳкамлаб қўйилди. Мазкур норма сайловчиларга ўз қарашлари, сиёсий уставорликларини аниқлаштириш ва кимга, қайси сиёсий партияга овоз бериш бўйича онгли қарорга келиши учун қўшимча вақт бериш мақсадида киритилди. Шунингдек, бу норма овоз бериш арафасида турли қонунбузиш ҳолларининг олдини олиш имконини беради.

Қонунда муддатидан олдин овоз бериш муддатлари, тартиби ва таомиллари мустаҳкамлаб қўйилди. Аввал амалда бўлган нормага мувофиқ, сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини сўраб олиши, қарор қилиши ва уни ёпиқ конвертда қолдириши мумкин эди. Бироқ мазкур норма нафақат олдиндан овоз беришнинг муддатлари, балки муддатидан олдин овоз беришнинг бутун таомилини ҳам назарда тутмаган. Шу муносабат билан эндиликда Қонунда қуйидаги қоидалар ўрнатилди:

– муддатидан олдин овоз бериш сайловдан 10 кун олдин бошланади ва 1 кун олдин тугалланади;

– муддатидан олдин овоз бериш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчилар, кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакилларига маълум қилинади;

– муддатидан олдин овоз бериш учун сайловчининг (сайлов куни бўлмаслиги сабаби кўрсатилган) аризаси талаб қилинади;

– сайлов варақаси участка сайлов комиссиясининг камида 2 нафар аъзоси ҳузурида берилади;

– сайлов варақаси конвертга солинади, муҳр ва комиссиянинг 2 нафар аъзоси ҳамда сайловчининг имзоси билан мустаҳкамланади.



Мазкур норма муддатидан олдин овоз бериш тартибини янада батафсил белгилайди ва таомилнинг ошкоралигини таъминлаш имконини беради.

Қонунга "овоз беришга қадар уч кун мобайнида, шунингдек, овоз бериш куни сайлов билан боғлиқ ижтимоий сўров натижаларини, сайлов натижалари прогнозлари, сайлов билан боғлиқ тадқиқотларни чоп этиш (эълон қилиш), жумладан, уларни умумий фойдаланиш учун мўлжалланган ахборот-телекоммуникация тармоқларида (хусусан, Интернет тармоғида) жойлаштиришга йўл қўймаслигини" назарда тутадиган норма киритилди. Бу норма сайловчилар ҳуқуқларини янада таъсирчан ҳимоя қилиш, у ёки бу номзодга нисбатан нохолис муносабатга йўл қўйилмаслик ҳамда сайлов қонунчилиги бузилиши эҳтимолининг олдини олишга кўмаклашади.

Сайлов жараёнининг очиқлигига оид асосий масалалардан бири, маълумки, сайловларни кузатиш имконияти саналади. Эндиликда Қонун билан Кузатувчиларга Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Қонунчилик палатасига депутатлар сайлаш бўйича Конференциясида қатнашиш ҳуқуқи берилди. Бу ҳуқуқий механизм Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан депутатлар сайлашнинг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш имконини беради.

Сайлов жараёнининг муҳим босқичи – овоз бериш таомилига ҳам жиддий ўзгартишлар киритилди. Бу қамоқда сақлаш жойларида сайлов участкаларини ташкил этиш мумкинлиги билан боғлиқ. Мазкур норманинг киритилиши қамоқда сақланаётган фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга оширишни янада тўлароқ таъминлашга имкон беради. Ўзбекистонда дунёнинг кўпчилик демократик мамлакатларидаги каби овоз беришда қатнашиш фуқаронинг узвий, амалга оширилиши Конституция билан кафолатланадиган ҳуқуқларидан саналади. Мазкур ҳуқуқлар халқаро ҳужжатларнинг кўпида, жумладан, "Сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари бўйича халқаро Конвенция"да (1996 й.) мустаҳкамлаб қўйилган.

Умуман, мазкур Қонуннинг ижро этилиши сайлов эркинлиги тамойилини янада тўлиқ амалга ошириш, мамлакат сайлов тизимини янада демократлаштиришга кўмаклашади, депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини олиб боришда тенг шароитларни яратиш, шунингдек, депутатлар сайлови очиқ ва ошкоралиги тамойилларининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

**С. АРТИКОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси.**
**Н. ЗИКРИЛЛАЕВА,**
**қўмита эксперти.**



Маънавият

# «ЭНГ ЛАТОФАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИ АЁЛ»

**Аёл – нафосат, латофат, гўзаллик тимсоли. Меҳр-муҳаббат туйғулари уларга бисёр ато этилган. Шунингдек, кези келганда ғайрату шижоат, садоқату матонат бобида ҳам бўш келмайдиган хотин-қизлар орамизда кўп.**

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари маънавият тарғибот марказида вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда ҳарбий қисм ҳамкорлигида ўтказилган "Энг латофатли ҳарбий хизматчи аёл" кўрик-танлови қатнашчилари нафақат муқаддас аёл, ғамхўр она, оқила уй бекаси, мустаҳкам оила фариштаси, балки Ватан, эл-юрт ҳимоясига қодирликларини намойиш этишди. Худудий босқичларда энг яхши натижаларга эришган ҳарбий хизматчи аёллар бекободлик Мафтуна Аралова, зангиоталик Фотима Каримова, бўстонлиқлик Гулнора Примова танловнинг вилоят босқичида ҳам ҳарбий соҳани пухта ўзлаштирган, адабиёт ва санъатни севувчи, оилани ардоқловчи аёллар сифатида томошабинлар эътиборини қозонишди. Чаққон, моҳир мерган, уста пазанда, гўзал раққоса Фотима Каримовага 1-ўрин насиб этди.

**Саида РАҲМОНОВА.**
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**



## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: Зангиота тумани СИБ томонидан 1. № 4718/7-сонли ижро ҳужжатига асосан 1985 й. и/ч. Газ 24, д/р. 30 L 4851. Бошланғич баҳоси – 170 069 сўм. 2. № 2585/8-сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й. и/ч. Газ 24, д/р. 20 N 6692. Бошланғич баҳоси – 191 850 сўм. 3. № 7279/8-сонли ижро ҳужжатига асосан 1990 й. и/ч. Мерседесбенц, д/р.11 О 4482. Бошланғич баҳоси – 7 290 000 сўм. 4. № 5970/9-сонли ижро ҳужжатига асосан 1990 й. и/ч. Уаз-3151201, д/р.11 Е 3656. Бошланғич баҳоси – 449 163 сўм. 5. № 6072/9-сонли ижро ҳужжатига асосан 1975 й. и/ч. Газ 24, д/р. 11 R 0668. Бошланғич баҳоси – 402 018 сўм. 6. № 6074/9-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. и/ч. Газ 24, д/р.11 Z 7995. Бошланғич баҳоси – 512 210 сўм. 7. № 6529/9-сонли ижро ҳужжатига асосан 1976 й. и/ч. Уаз-452, д/р.11 U 4315. Бошланғич баҳоси – 760 223 сўм. 8. № 6688/9-сонли ижро ҳужжатига асосан 1980 й. и/ч. Уаз-452 А, д/р.11 Q 0474. Бошланғич баҳоси – 1 253 946 сўм. 9. № 6703/9-сонли ижро ҳужжатига асосан 1975 й. и/ч. Уаз-469, д/р. 11 Q 2417. Бошланғич баҳоси – 323 542 сўм. 10. № 6704/9-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. и/ч. Уаз-3151201, д/р.11 Х 1022. Бошланғич баҳоси – 226 996 сўм. 11. № 7056/9-сонли ижро ҳужжатига асосан 1986 й. и/ч. Уаз-396201, д/р. 30 С 8069. Бошланғич баҳоси – 1 240 341 сўм. 12. № 7180/9-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и/ч. Уаз-3151201, д/р.11 W 7108. Бошланғич баҳоси – 645 441 сўм. 13. № 7523/9-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. и/ч. Ваз-2102, д/р.11 О 1082. Бошланғич баҳоси – 345 330 сўм. 14. № 7948/9-сонли ижро ҳужжатига асосан 1989 й. и/ч. Заз-968 М, д/р. Ж 1898 ТШ. Бошланғич баҳоси – 57 379 сўм. 15. № 9282-сонли ижро ҳужжатига асосан 1986 й. и/ч. Заз-968 М, д/р.сиз. Бошланғич баҳоси – 112 171 сўм. Зангиота туман,"Кўк-терак Матлубот Инвест " МЧЖда сақланмоқда. 16. № 2945/8-сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й. и/ч. Уаз-469, д/р. 10 I 1258. Бошланғич баҳоси – 161 433 сўм. 17. № 5813/8-сонли ижро ҳужжатига асосан 1979 й. и/ч. Уаз-452, д/р.11 L 2019. Бошланғич баҳоси – 215 229 сўм. 18. № 7717/8-сонли ижро ҳужжатига асосан 1979 й. и/ч. Уаз-452, д/р. 11 L 1125. Бошланғич баҳоси – 379 704 сўм. 19. № 3497/9-сонли ижро ҳужжатига асосан Уаз-3151201, д/р.12 ў 0723. Бошланғич баҳоси – 678 056 сўм. 20. № 6585/9-сонли ижро ҳужжатига асосан 1982 й. и/ч. Камаз-5320, д/р.30 К 7639. Бошланғич баҳоси – 13 019 387 сўм. Зангиота туман,"Нурафшон Бизнес Савдо" ХСИЧКда сақланмоқда. 21. № 8926/9-сонли ижро ҳужжатига асосан 1992 й. и/ч. ИЖ-21251, д/р.11 N 0389. Бошланғич баҳоси – 351 126 сўм. 22. № 8927/9-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. и/ч. Уаз-452, д/р.30 V 9298. Бошланғич баҳоси – 651 926 сўм. Зангиота туман, "Бурхон Савдо" МЧЖда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 4 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 23. Ангрен шаҳар СИБ томонидан 15.08.2012 й. № 6719-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и/ч. "JAK-HFS" 5030 XXYKW русумли, д/р. 10 D 183 CA. Бошланғич баҳоси – 20 000 000 сўм. 24. Зангиота тумани СИБ томонидан 02.03.2011 й. № 10-1119/490-сонли ижро ҳужжатига асосан "Асбесцемент маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи XSW80 маркали технологик жиҳоз". Бошланғич баҳоси – 62 500 000 сўм. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Боғзор кўрғони, УЯ 64/65-сонли ЖИЭМ ҳудудида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 19 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари ва ишлаб чиқариш ускунаси 2013 йил 19 март куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситалари ва ишлаб чиқариш ускунасини сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 3 апрель куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари ва ишлаб чиқариш ускунаси билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104887305002, МФО 00425, ИНН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12.

**Гувоҳнома № 004593.**

### "REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ такрорий аукцион савдосига таклиф этади!

Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Зангиота тумани Суд ижрочилари ариза (буюртма)сига асосан:

Зангиота тумани СИБ томонидан, Тошкент вилояти Зангиота тумани "Кўк-Терак Матлубот Инвест" МЧЖ омборхонасида сақланаётган, 1. 2010 йил 15 июндаги 6843/6-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 1 766 852 сўм, 1976 йилда и/ч., д/р. 01 Q 068 CA бўлган, "ВАЗ-2106" русумли, техник соз автотранспорт воситаси; 2. 2010 йил 2 июлдаги 7332/10-сонли ижро варақасига асосан бош. баҳоси – 4 005 616 сўм, 2000 йилда и/ч., д/б. 11 В 6234 бўлган, "ГАЗ-3110" русумли, техник соз автотранспорт воситаси; 3. 2010 йил 6 августдаги 8563/10-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 12 891 929 сўм, и/ч. йили ноаниқ, д/р. 11 M 0058 бўлган, "Камаз-53212" русумли, техник носоз автотранспорт воситаси; Тошкент вилояти Зангиота тумани "Бурхон Савдо" МЧЖ омборхонасида сақланаётган 4. 2010 йил 9 июндаги 6749/10-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 773 669 сўм, 1990 йилда и/ч., д/р. 11 L 6283 бўлган, "ИЖ-21251010" русумли, техник соз автотранспорт воситаси; 5. 2010 йил 2 июлдаги 7340/10-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 1 532 694 сўм, 1978 йилда и/ч, д/р. 11 Y 0567 бўлган, "ВАЗ-21011" русумли, техник соз автотранспорт воситаси; 6. 2010 йил 18 июндаги 7364/10-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 586 769 сўм, 1973 йилда и/ч., д/р. 11 O 1185 бўлган, "Москвич-412" русумли, техник носоз автотранспорт воситаси; 7. 2010 йил 6 августдаги 8559/12-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 566 743 сўм, 1976 йилда и/ч., д/р. 10 T 3707 бўлган, "Москвич-412" русумли, техник носоз автотранспорт воситаси; 8. 2010 йил 12 августдаги 8676/12-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 894 341 сўм, и/ч. йили номаълум, д./р. 10 D 7845 бўлган, "УАЗ-452" русумли, техник носоз автотранспорт воситаси; 9. 2010 йил 14 октябрдаги 11709/10-сонли ижро варақасига асосан бош. баҳоси – 639 136 сўм, 1977 йилда и/ч., д/р. 11 U 1729 бўлган, "ВАЗ-2101" русумли, техник носоз автотранспорт воситаси; Тошкент вилояти Зангиота тумани "Саидумар Абдуллаев" МЧЖ омборхонасида сақланаётган 10. 2010 йил 16 июлдаги 7440/10-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 104 976 сўм, 1981 йилда и/ч., д/р. йўқ бўлган, "Урал М-6736" русумли, техник носоз автотранспорт воситаси; 11. 2010 йил 18 августдаги 8656/12-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 828 195 сўм, 1981 йилда и/ч., д/р. 10 H 924 AA бўлган, "УАЗ-452 В" русумли, техник носоз автотранспорт воситаси; 12. 2010 йил 24 августдаги 8881/12-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 1 022 049 сўм, 1987 йилда и/ч., д/р. 11 K 7651 бўлган, "УАЗ-3962" русумли, техник соз автотранспорт воситаси; 13. 2010 йил 28 августдаги 9004/12-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 1 385 451 сўм, 1989 йилда и/ч., д/р. 11 M 4243 бўлган, "УАЗ-330301" русумли, техник соз автотранспорт воситаси; 11. 2010 йил 28 августдаги 9006/12-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 735 452 сўм, 1979 йилда и/ч., д/р. 10 T 1132 бўлган, "ГАЗ-24" русумли, техник носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

II. Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Зангиота тумани Суд ижрочилари бўлимининг ариза (буюртма)сига асосан:

Зангиота тумани СИБ томонидан, Тошкент вилояти Зангиота тумани "Нуравшон Бизнес Савдо" ХСИЧК омборхонасида сақланаётган: 1. 2009 йил 25 декабрдаги 15529/9-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 638 718 сўм, 1980 йилда и/ч, д/р. 01 Q 432 BA бўлган, "ГАЗ-24" русумли, техник носоз автотранспорт воситаси; 2. 2010 йил 17 февралдаги 1010/10-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 587 356 сўм, 1986 йилда и/ч., д/р. 11 Ў 3391 бўлган, "УАЗ-330301" русумли, техник соз автотранспорт воситаси; 3. 2010 йил 17 февралдаги 1011/10-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 391 370 сўм, 1979 йилда и/ч., д/р. 10 B 2999 бўлган, "ГАЗ-24" русумли, техник соз автотранспорт воситаси; 4. 2010 йил 09 мартдаги 1285/10-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 830 313 сўм, 1984 йилда и/ч., д/р. 30 S 5374 бўлган, "УАЗ-452" русумли, техник носоз автотранспорт воситаси; 5. 2010 йил 11 мартдаги 1397/10-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 465 962 сўм, 1972 йилда и/ч., д/р. 10 Q 0162 бўлган, "ГАЗ-24" русумли, техник соз автотранспорт воситаси; Тошкент вилояти Зангиота тумани "Кўк-Терак Матлубот Инвест" МЧЖ омборхонасида сақланаётган: 6. 2010 йил 19 апрелдаги 2316/10-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 367 149 сўм, и/ч. йили номаълум, д/р. йўқ бўлган, "УАЗ-469" русумли, техник носоз автотранспорт воситаси; 7. 2010 йил 25 феаралдаги 1129/10-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 401 299 сўм, 1988 йилда и/ч., д/р. 10 Y 3655 бўлган, "УАЗ-31512" русумли, техник носоз автотранспорт воситаси; 8. 2010 йил 9 мартдаги 1277/10-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 356 494 сўм, 1980 йилда и/ч., д/р. 01 Z 169 CA бўлган, "ГАЗ-24" русумли, техник соз автотранспорт воситаси; 9. 2010 йил 26 февралдаги 1342/10-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 226 021 сўм, 1977 йилда и/ч., д/р. йўқ бўлган, "ЛУАЗ" русумли, техник соз автотранспорт воситаси; 10. 2010 йил 12 апрелдаги 2069/10-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 435 250 сўм, 1974 йилда и/ч., д/р. 11 U 0803 бўлган, "ГАЗ-24" русумли, техник соз автотранспорт воситаси; 11. 2010 йил 19 апрелдаги 2289/10-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 475 766 сўм, и/ч., йили ноаниқ, д/р. йўқ бўлган, "УАЗ-469" русумли, техник носоз автотранспорт воситаси; Тошкент вилояти Зангиота тумани "Бурхон Савдо" МЧЖ омборхонасида сақланаётган 12. 2010 йил 25 февралдаги 1130/10-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 468 016 сўм, 1976 йилда и/ч., д/р. 11 W 5369, "УАЗ-469" русумли, техник носоз автотранспорт воситаси; 13. 2010 йил 9 мартдаги 1286/10-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 385 439 сўм, 1973 йилда и/ч., д/р. 01 Y 583 BA бўлган, "ГАЗ-24 B" русумли, техник носоз автотранспорт воситаси; 14. 2010 йил 26 февралдиги 1340/10-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 362 103 сўм, 1973 йилда и/ч., д/р. 11 I 2720 бўлган, "ГАЗ-24" русумли, техник носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2013 йил 5 март куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "REAL AUKSION" МЧЖнинг ХЁАТБ "HI-TECH BANK"даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904996600001, МФО 01066, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-11.

**Гувоҳнома № 006795.**

### "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Қибрай тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда: 1. 01.05.2012 й. № 6237/5-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар ш.ф.й., "Селекция" маҳалласида жойлашган қурилиши битмаган тикувчилик устахонаси. Бошланғич баҳоси – 45 611 899 сўм. 2. 20.12.2011 й. № 18281-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай ш.ф.й., Гулзор кўчаси 49-уй. Бошланғич баҳоси – 670 357 050 сўм. 3. 13.07.2011 й. № 4912-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оққовоқ қ.ф.й., "Узумзор" маҳалласида жойлашган қурилиши битмаган дўкон. Бошланғич баҳоси – 113 483 551,5 сўм. 4. 13.07.2011 й. № 1087-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оққовоқ қ.ф.й., Вир ботаника кўчаси, 1-уй, 25-хона. Бошланғич баҳоси – 39 008 263,5 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 4 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ Тошкент шаҳар, "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО 00425, СТИР 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12.

**Лицензия: RR-0052.**

Общество с ограниченной ответственностью «NONA TEXTILE IMPORT EXPORT» (ИНН 301717030, ОКПО 23423080), зарегистрированное по адресу: г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Магазин Мавзук, д. 293, уведомляет о том, что 04.03.2013 года общим собранием участников ООО «NONA TEXTILE IMPORT EXPORT» принято решение об уменьшении уставного фонда ООО «NONA TEXTILE IMPORT EXPORT» на 185.526.521,47 (сто восемьдесят пять миллионов пятьсот двадцать шесть тысяч пятьсот двадцать один, 47) сум с 398.981.766,61 (трехсот девяносто восьми миллионов девятисот восьмидесяти одной тысячи семисот шестидесяти, 61) сум до 213.455.245,14 (двухсот тринадцати миллионов четырехсот пятидесяти пяти тысяч двухсот сорока пяти, 14) сум в связи с выходом участников из ООО «NONA TEXTILE IMPORT EXPORT».

Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Магазин Мавзук, д. 293 в течение 30 дней с даты опубликования настоящего объявления.

### "Respublika mulk markazi" ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога такроран Зангиота тумани СИБ томонидан қуйидаги автомототранспорт воситалари қўйилмоқда:

I. Зангиота тумани "Бурхонсавдо"МЧЖ омборида сақланаётган: 1. "ИЖ-2125" русумли, д/р 11Т0899, 1988 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 12.02.2013 й, №10167. Бошланғич баҳоси – 315 772 сўм. 2. "ГАЗ-24" русумли, д/р 11N1980, 1977 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 12.02.2013 й, №11938. Бошланғич баҳоси – 380 859 сўм. 3. "ГАЗ-24" русумли, д/р 11V3980, 1977 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 12.02.2013 й, №11939. Бошланғич баҳоси – 451 053 сўм. 4. "М-2140" русумли, д/р 30О5136, 1984 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 12.02.2013 й, №12469. Бошланғич баҳоси – 190 448 сўм.

II. Зангиота тумани "Кўк-терак Матлубот Инвест" МЧЖ омборида сақланаётган: 5. "ЗАЗ-968М" русумли, д/р 11Q2742, 1984 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 12.02.2013 й, №12626. Бошланғич баҳоси – 86 079 сўм. 6. "Мотоцикл", д/р.сиз, и/ч йили номаълум, ижро ҳужжати 12.02.2013 й, №10872. Бошланғич баҳоси – 90 029 сўм. 7. "ВАЗ-2102" русумли, д/р 11Y7240, 1973 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 12.02.2013 й, №11713. Бошланғич баҳоси – 568 444 сўм. 8. "ИЖ-21251" русумли, д/р 11Е3604, 1984 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 12.02.2013 й, №11608. Бошланғич баҳоси – 562 331 сўм. 9. "М-412 ИЭ" русумли, д/р 11F5332, 1987 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 12.02.2013 й, №11709. Бошланғич баҳоси – 241 257 сўм. 10. "УАЗ-452" русумли, д/р Е5612ТН, 1984 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 12.02.2013 й, №11214. Бошланғич баҳоси – 394 125 сўм. 11. "УАЗ-3741" русумли, д/р 30В4511, 1987 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 12.02.2013 й, №11710. Бошланғич баҳоси – 763 643 сўм. 12."Газ-69" русумли, д/р 11Т5344, 1961 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 12.02.2013 й, №10230. Бошланғич баҳоси – 257 070 сўм. 13."УАЗ-452" русумли, д/р 30I3106, 1980 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 12.02.2013 й, №9385/9. Бошланғич баҳоси – 308 599 сўм. 14. "ГАЗ-24" русумли, д/р 10А0528, 1974 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 12.02.2013 й, №9403/9. Бошланғич баҳоси – 654 690 сўм. 15. "Урал" русумли, д/р ва и/ч йили ноаниқ мотоцикл, ижро ҳужжати 12.02.2013 й, №9479/9. Бошланғич баҳоси – 62 155 сўм.

Аукцион савдолари 2013 йил 5 март куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 1 март куни соат 18:00. Автомототранспорт воситалари билан тегишли Зангиота туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ОАИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон ф-лидаги 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850 га тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rmm.uz.

**Гувоҳнома № 006231.**

### "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: Қибрай тумани СИБ томонидан 1. 07.01.2010 й. № 6630-сонли ижро ҳужжатига асосан 1986 й. и/ч., Камаз-5511 русумли, д/р 10 P 954 AA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 15 166 017,1 сўм. 2. 17.12.2009 й. № 12395-сонли ижро ҳужжатига асосан Зил-131 русумли, д/р 11 L 1512 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 6 522 138,3 сўм. 3. 20.08.2010 й. № 7434/11-сонли ижро ҳужжатига асосан 1989 й. и/ч., 2 ПТС 4793 А русумли, д/р.сиз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 040 310,1 сўм. 4. 20.08.2010 й. № 7434/11-сонли ижро ҳужжатига асосан 1990 й. и/ч., Т-28Х4МС101 русумли, д/р.сиз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 153 658,9 сўм. 5. 05.03.2009 й. № 4132-сонли ижро ҳужжатига асосан 1968 й. и/ч., М-408 русумли, д/р 11 U 1047 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 473 770,7 сўм. 6. 22.12.2008 й. № 9565-сонли ижро ҳужжатига асосан 1981 й. и/ч., Раф-2203 русумли, д/р 11 T 1286 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 540 727,6 сўм. 7. 22.06.2012 й. № 9590/11-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и/ч., Камаз-5320 русумли, д/р 11 X 0082 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 10 054 292,2 сўм. 8. 22.06.2012 й. № 9589/11-сонли ижро ҳужжатига асосан 1982 й. и/ч., Уаз-452 русумли, д/р 11 ў 2438 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 489 471,5 сўм. 9. 14.10.2010 й. № 8835-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и/ч., 2 ПТС 4793 А-03 русумли, д/р.сиз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 942 166,9 сўм. 10. 23.02.2009 й. № 3114-сонли ижро ҳужжатига асосан 1978 й. и/ч., Газ-2401 русумли, д/р 30 D 3293 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 543 536,8 сўм. 11. 17.05.2010 й. № 4697-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и/ч., Камаз-5511 русумли, д/р.сиз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 15 859 628,7 сўм. 12. 09.04.2010 й. № 3531-сонли ижро ҳужжатига асосан 1981 й. и/ч., Газ-66 русумли, д/р 11 W 6468 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 595 506,5 сўм. 13. 17.12.2009 й. № 12400-сонли ижро ҳужжатига асосан Урал русумли, д/р 11 I 5796 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 7 023 581,8 сўм. 14. 15.10.2009 й. № 10921-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. и/ч., Камаз-5320 русумли, д/р 12 ў 8529 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 13 669 326,7 сўм. 15. 10.09.2009 й. № 10357-сонли ижро ҳужжатига асосан 1971 й. и/ч., Москвич-412 русумли, д/р 11 Y 2850 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 264 366,6 сўм. 16. 26.04.2012 й. № 5782/11-сонли ижро ҳужжатига асосан 1993 й. и/ч., Доган русумли, д/р 01 K 336 EA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 909 521,7 сўм. 17. 14.08.2009 й. № 9671-сонли ижро ҳужжатига асосан 1973 й. и/ч., Газ-51 русумли, д/р 11 I 0795 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 773 436,1 сўм. 18. 09.02.2011 й. № 996-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. и/ч., Газ-24 русумли, д/р 10 D 214 DA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 968 165,9 сўм. 19. 25.04.2011 й. № 2822/11-сонли ижро ҳужжатига асосан ВАЗ-2101 русумли, д/р 30 S 6317 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 678 451,4 сўм. 20. 02.02.2009 й. № 2604-сонли ижро ҳужжатига асосан Уаз-469 русумли, д/р.сиз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 260 176,6 сўм. 21. 09.04.2010 й. № 3540-сонли ижро ҳужжатига асосан 1986 й. и/ч., Газ-66 русумли, д/р.сиз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 964 526,3 сўм. 22. 24.11.2010 й. № 10322-сонли ижро ҳужжатига асосан Урал-Мотоцикл русумли, д/р.сиз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 100 004,2 сўм. 23. 07.09.2010 й. № 7834-сонли ижро ҳужжатига асосан Урал-Мотоцикл русумли, д/р.сиз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 93 753,8 сўм. Автотранспорт воситалари "Арғин Савдо" Укда сақланмоқда. 24. 01.02.2012 й. № 1087/11-сонли ижро ҳужжатига асосан "Вафли ва Макарон ишлаб чиқариш ускунаси". Бошланғич баҳоси – 475 255 997,5 сўм. "Қибрай нон ишлаб чиқариш" ШКда сақланмоқда. 25. Чилонзор тумани СИБ томонидан такроран 06.06.2012 й. № 1-541/2012-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и/ч. Ласетти CDX русумли, д/р 01 T 644 DA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 35 692 200 сўм. "Нумизматика" МЧЖда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 4 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 25. Миробод тумани СИБ томонидан 03.12.2012 й. № 38985/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 2000 й. и/ч. "Ваз 2106" русумли, д/р. 10 U 708 FA. Бошланғич баҳоси – 6 400 000 сўм. Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 19 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари ва ишлаб чиқариш ускунаси 2013 йил 19 март куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини ва ишлаб чиқариш ускунасини сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 3 апрель куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари ва ишлаб чиқариш ускунаси билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104887305002, МФО 00425, ИНН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12.

**Гувоҳнома № 004593.**

## ИЖТИМОИЙ РЕКЛАМА




Шайхонтоҳур ТСРЎИда рўйхатдан ўтган «SHAXZOD DILSHOD TAOM» масъулияти чекланган жамияти (ИНН 300860956) «IPAKCHI SHAXZOD DILSHOD TAOM» шўъба корхонасига айлантирилади.

---

2009 йил 5 мартда нотариал идорага тақдим этиш учун тайёрлаб берилган № 1032-сонли маълумотнома (форма – 18) Юнусобод тумани, Кичик автомобиль ҳалқа йўли, А. Темур кўчаси, 99-уйда жойлашган «Компания XXI век» масъулияти чекланган ширкати (Қозоғистон Республикаси) номига 2008 йил 21 январда 7-16/2008 реестр рақами билан расмийлаштирилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

---

ООО «VIKONT TRADE» (ИНН 207113544), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского района г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. Навои, д. 22, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол № 14 от 11.02.2013 г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

---

ЧП «SOBIRJON UNIVERSAL» (ИНН 302187160), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского района г. Ташкента (реестр № 005618-03 от 25.01.2012 г.), расположенное по адресу: Массив Куйлюк-2, д. 31, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение № 1 от 15.02.2013 г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

---

Чилонзор тумани ҳокимлиги ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган «KARONA-OROLI» МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## Миллий анъаналаримиз

# БЕШҚЎЛСОЙДА КЎПКАРИ

**Оҳангарон тумани Бешқўл қишлоғида яшовчи Тўйчи ота (82 ёш) ўзи ва кампирига шукрона оши берди. Ошдан кейин кўпкари бошланди.**

Фарғона водийси, Оҳангарон воҳаси, Ангрен шаҳри ва қишлоқларидан чавандозлар, от ишқибозлари, юзлаб томошабинлар Оҳангарон дарёси бўйидаги Бешқўлсой текислигига тўпланди. Тошкент-Ўш автомагистрали бўйида кўпкарини томоша қилгани тўхтаган автоуловлар бир чақиримча масофага чўзилди.

24-мактаб ўқитувчиси Шавкат Ҳошимов овоз кучайтиргичдан маррага улоқни ким элтгани-ю, навбатдаги совринларни эълон қилиб турибди. Марра ёнида эртошлик Одил Носиров атлас белбоғ боғланган узун ходани силкитиб, чавандозларга белги бераяпти. Кекса Эрназар полвон, Йўлдош полвон, Ҳамро полвон, Юсуф полвон Тўйчи отанинг қаторида хавфсизроқ жойда ўтириб, улоқни томоша қилишяпти. Дарвоқе, "Чавандоз" фильми экранларга чиққанидан кейин Оҳангаронда ҳам чавандозлар исмига "полвон" сўзи қўшиб айтиладиган бўлди.

Атоқли полвонлар – эртошсойлик Карим полвон, Муҳиддин полвон, Фарғонанинг Бешариқ туманидан Рауф полвон, Қорахитой қишлоғидан Мўмин чавандознинг ўғли Маражаб полвон, боғисурхлик Ғулом полвон улоқни маррага қайта-қайта келтириб ташлашди. Ёш полвонлардан Қурол Маматов, Зоҳид Замонов, Абдуваҳоб Шодиев ҳам маҳоратларини намойиш қила олдилар. Учаласи Эртошсой қишлоғидан.

Кўпкарининг бош соврини – новвос пировардида Ангрен шаҳар Кўктерак маҳалласилик Иномжон Менглиевнинг отига насиб этди. Бундай дейишимизга сабаб, Менглиевнинг бўлажак кўпкарига яхшилаб совутган отини эртошлик чавандоз Музаффар Мирзаев миниб, даврага кирган эди. Бундай ҳолларда ғолиб от ҳам, албатта, эълон қилинади.

**Мамасоли ТЎХТАЕВ,**
**20-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси,**
**Тангатопди қишлоғи.**



## Қилмиш – қидирмиш

# ХАЛҚИНИ ЭМАС, ҲАЛҚУМИНИ ЎЙЛАГАНЛАР

Кексаларимиз айтганидек, одам қорни бир бурда нонга тўяди. Аммо, ўзи тўйса ҳам кўзи тўймайди деганларидек, нафс уни ҳар кўчага бошлаб, турли нағмаларига ўйнатади. Елена Володина нима учун шунча кўп жиноятларга қўл урганини, миллионлаб маблағларни ўзлаштириб юборганини тушуниш қийин.

Янгийўл тумани ҳокимлиги молия бўлими бошлиғининг ўринбосари – Халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб юрган кезлари шунчалар кўп қонунбузишларга қўл уриб, миллионлаб маблағларни изсиз ғойиб қилиб, давлатга катта миқдорда зарар етказгани беихтиёр ёқа ушлашга мажбур қилади кишини.

Гап шундаки, у шу лавозимда ишлаётган кезлари таълим муассасаларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва умумий назоратини ўз зиммасига олганди. "Давринг келди сур бегим" деганларидек, ўзига берилган бундай вазифани бироз нотўғри тушунган кўринади. Акс ҳолда муассасаларга озиқ-овқатлар ким томонидан етказилаётгани, уларнинг сифати билан жиддийроқ қизиққан бўларди. Йўқ, у бундай қилмади. Аксинча, таниш-билиш ва яқинларини атрофига тўплади, ҳуқуқ-тартибот идоралари тили билан айтганда, жиноий тўдани шакллантирди. Дилшод Жалолов, Жамшид Исамуҳамедов, Рустам Нагматов, Ирода Жўрабоева, Александр Володин, Елена Фомичева ва Клара Дўсумбетова унинг ҳамтовоқлари бўлишди. Улар туманда лавозимларига тааллуқли ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилишарди. Фойдалари тегадиган бўлгани учун уларни ўз атрофига тўплаганди.

Гуруҳ ўзаро жиноий тил бириктириб, мансабларини суиистеъмол қилиб, ваколатларидан четга чиқиб, вазифаларига совуққонлик билан қараб, сохта маълумотлар тузиш билан ҳужжатларни қалбакилаштириш, бировларга туҳмат қилиш, пора олиш, тақиқланган иш ташлашларга раҳбарлик қилиш, муассаса ва ташкилотлар ишига тўсқинлик қилиш каби кўплаб ижтимоий ва иқтисодий жиноятларни содир этиб, давлатга катта миқдорда зарар етказишди. Бунда гуруҳ аъзолари яхлит тарзда ҳаракат қилишмаган. Аксинча, гуруҳ ичида майда тўдалар ташкил этилган ва уларнинг вазифалари аниқ белгилаб қўйилган. Уларнинг барчасига Елена Володина бош бўлган.

Масалан, Ж. Исамуҳамедов бошчилигидаги гуруҳ Р. Нагматов ва И. Жўрабоевадан ташкил топган бўлиб, уларнинг асосий вазифаси тўда бошлиғининг топшириқларини сўзсиз бажариш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан гуруҳни ҳимоялаш бўлган. Бошқа кичик гуруҳлар ҳам шу зайлда иш кўришган. Тумандаги "Садоқат плюс Рустам" деҳқон хўжалигининг норасмий иш юритувчиси Жамшид Исамуҳамедов мувофиқлаштирувида тузилган таркибга шу хўжалик раҳбари Р. Нагматов, ҳисобчи И. Жўрабоева кирган. Е. Володина ўзи раҳбарлик қилаётган бўлимнинг товар моддий бойликлар ҳисобчиси Клара Дўсумбетова билан тил бириктириб, "Дилфайз-сервис" ва "Осиёдон импекс" МЧЖларнинг таъсис, бухгалтерия, молия-ҳисоб ҳужжатларини олиб, тендер савдоларини ўтказмай, масъулияти чекланган жамиятлар раҳбарлари номидан қалбаки тижорат таклифларини тузиб, "Садоқат плюс Рустам" деҳқон хўжалиги билан ҳар ойда мол гўшти маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан тузиладиган шартномаларга илова қилишган. Шу зайлда тендерсиз "Садоқат плюс Рустам" МЧЖни унинг ғолиби деб эълон қилишган. Барча ҳужжатларни тендер комиссияси аъзоларига имзолатишган. Мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари эса муҳр билан тасдиқлаб ҳам беришган. Бу ишларнинг барчаси Е. Володинанинг тазйиқи ва раҳнамолигида амалга оширилган. Аммо бирорта ҳам ноқонуний ҳужжатда унинг имзосини учратмайсиз.

Шу зайлда тумандаги мактабгача таълим муассасаларига гўшт етказиб берилган. 1-, 24-мактабгача таълим муассасаларининг ўзига 47 минг 773,6 килограмм сифатсиз, шунга қарамай, бозор нархидан анча қиммат гўшт борди. Бу орада қанча-қанча қорамоллар изсиз ғойиб бўлди. Унинг пуллари ҳақидаку гапирмаса ҳам бўлади.

Муассасаларга сут маҳсулотлари етказишда ҳам худди шундай йўл тутилди. Сохта ҳужжатлар тайёрланди, ўтмаган савдо тендерлари ҳужжатларда ўтказиб юборилди. Шу орқали 69 миллион 860 минг 585 сўмлик давлат мулки яна "гумдон" бўлди.

Маҳсулотларнинг сифатини текширган давлат санитария ва эпидемиология маркази ходимлари ҳам унинг сифатсизлиги, истеъмолга яроқсизлиги ҳақида лом-мим дейишмас, аксинча "опа"нинг тарафига ўтиб олишарди. Челакларда келтириладаган суюқ пишлоқ, жигарранг тусга кирган сут, ифлос елим идишларда тарқатилаётган йогуртлар назоратчиларнинг назаридан четда қолиб кетаверарди.

Бу ҳали Е. Володина қилмишларининг ҳаммаси эмас эди. У муассасаларга ҳисобчилик лавозимларига ўзининг ишончли одамларини жойлаштириб, улардан пора тариқасида ҳам пуллар олди. Масалан, Г. Маҳмудовани 12-, Ш. Қорабоевани 3-, Н. Иноғомовани 5-, 6-, Г. Ориповани 10,16-сонли мактабгача таълим муассасаларига ишга жойлаб, улар учун ёзилган 3 миллион 24 минг сўмдан зиёд иш ҳақларини Е. Фомичева воситасида ўзиники қилиб олди.

Бундан ташқари Е. Володина мансаб вазифасига ўта совуққонлик билан қараб, 2011 йилнинг 9 ойи давомида 1,1 миллиард сўм мақсадсиз ишлатилишига йўл қўйиб берди. Аслида у бундан ҳам манфаатдор эди.

Унинг қуюшқондан чиқиш деб баҳолашдан бўлак бирор нарса билан изоҳлаб бўлмайдиган хатти-ҳаракатлари бисёр. У муассасаларга хоҳлаган ходимларини ишга жойлаб, хоҳлаганини бўшатишни ҳам одатга айлантирганди. Масалан, Г. Арслонова, К. Дўсумбетова, А. Хўжамқулова ва бошқа бир қатор муассасалар ходимларидан ўз хоҳишлари билан ишдан бўшашлари ҳақида ариза ёздириб олган.

Янгийўл шаҳар ҳокими З. Файзуллаев мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш учун текширув гуруҳини жалб этди. Натижада юқоридаги каби кўплаб қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Бу иш бўйича бир нечта мансабдор шахсларга нисбатан жиноий иш очилгани ҳақида узун-қулоқ гаплар тарқалди. Бироқ ҳеч кимнинг бирор туки тўкилмади. Ким қаерда бўлса шу ерда бамайлихотир ўз ишини давом эттираверди. Бундай ноҳақликдан норози бўлган туман халқ таълими услубчиси Гулноза Аҳмаджонова тегишли ташкилотга шикоят билан мурожаат қилди. Прокуратура юборган ишчи гуруҳ яна текширди. Бироқ ўша-ўша, эски ҳаммом, эски тос, ҳеч нарса ўзгармади. Шундан кейин халқ таълими бўлими мудири Шоабдунаби Абдураҳмонов ҳам бундай бузуқичиликларга барҳам берилишидан умид қилиб, Халқ таълими вазирлигидан ишчи гуруҳини таклиф этди. Аммо бу сафар ҳам Е. Володина сувдан қуруқ чиқди. Режалаштириш бўлими ҳисобчиси Клара Дўсумбетова ва бир неча боғча мудираларини ишдан бўшатиш ҳақида ҳам катта давраларда маълум қилиб қўйишди. Аммо Е. Володина яна уларни ўз ҳимоясига олди. Энди унинг куч-қуввати янада ортиб борди. Ўзига қарши чиққанларни Республика прокуратураси билан қўрқитар, ҳеч қачон чакаги очилмайдиган қилиб қўярди.

Е. Володина ўзи учун яна бир ҳимояланиш тактикасини ўзлаштирган эди. Яъни ўзига ҳужум қилиши мумкин бўлган раҳбарлар ҳақида салбий маълумотларни тўплаб борар, имконини топиб унга бу ҳақда етказиб қўярди. Шу зайлди Е. Володина ҳудудда якка маликага айланганди.

Қўрқоқ олдин мушт кўтарар деганларидек, ўзига ёқмаган раҳбарлар устидан шикоятлар ҳам уюштирар, туҳмат қилиб бўлсада, лавозимидан четлатишга ҳаракат қиларди. Масалан, "Янгийўл" газетаси муҳаррири Аҳмаджон Рихсибоев, Мусиқа ва санъат ҳамда махсус-мактабларнинг директорлари М. Каримова, М. Ҳакимова, туман ХТБ иқтисодчиси О. Тўрабекова, ҳисобчилар О. Рябова, И. Муродова, А. Собиржонов ва бошқалар унинг туҳматлари қурбони бўлишди.

Шундай услуб қўллагани боис муассасаларда кадр етишмаслик муаммоси юзага келди. Бу вазиятдан Володина яна унумли фойдаланди. Ўзининг тарафдорларини 3-4 ставкаларда ишга жойларди. Келини Надежда Захаркина эса ўзи ҳисобчи бўлиб "ишлаган" 63-мактабни умуман кўрмаган бўлса ҳам ажаб эмас.

Е. Володинанинг нафси шунчалик ҳаккалак отиб кетгандики, тизимда қаердан келари бўлса, шу ерга бурнини суқаверарди. Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини молиялаштириш бўлимига қарашли бўш турган биноларни ижарага бериб, ўн сўм пулнинг бир сўмини давлат ғазнасига ўтказар, қолгани ном-нишонсиз даф бўларди.

Хуллас, уддабурон Володинанинг қилғиликқларини айтаверсак, кун ботмайди, тонг отмайди. Аммо шуни айтиш мумкинки, шаҳар ҳеч қачон бедарвоза бўлган эмас. Шу сабабли арқон узун ташлаб қўйилганини нотўғри тушунган Е. Володина шу масалада калта ўйлаганди.

Вақти келди, ғалвир сувдан кўтарилди, бўш қўйилган арқонлар тортилди. Натижа, уни суд курсисига ўтиришга мажбур қилди.

Суд Е. Володина бошчилигидаги жиноий тўда қилмишларига муносиб баҳо бериб, ҳукмни эълон қилди. Тўдабоши ва унинг аъзоларига қилмишларига яраша жазо белгиланди.

Аммо давлат ғазнасига етказган зарарлари, қолаверса, кўпчиликнинг ҳаққига хиёнат қилганлари, қанча-қанча кишиларнинг қалбига етказилган озор, камситишлар бироз бўлсада сескантирармикан? Уларда виждон, инсоф деган туйғу ва ҳисларнинг ўзи бормикин? Агар бўлганида, нафслари бу даражада ҳаккалак отиб, филни ҳам ютиб юбориш даражасига бормас эди-ку?!

...Яна билмадик.

**Ёрмат ҚУЛОВ.**





## Bolalik bog`i

### MINGOYOQ

*Juda og`ir*
*Mingoyoqning*
*Otasiga-onasiga:*
*Axir, qanday*
*Olib berar*
*Shuncha tufli*
*Bolasiga.*

### ISBOTLANGAN HAQIQAT

*Mittigina chivinlar*
*Musht bo`lib birlashdilar.*
*Shu kichik jussa bilan*
*Sherxonga tenglashdilar.*
*Kuch – birlikda degan gap*
*Isbotlangan haqiqat.*
*Eng bahaybat hayvon ham*
*Bitta mushtdan yegan pand.*

### «G`UNCHA»

*Murg`aklikda ukam bilan*
*Talashardik kulchani.*
*Mana bugun maktab borib,*
*Talashyapmiz "G`uncha"ni.*
*"G`uncha" esa yodga solar,*
*Bolaligim – kulchani.*

**Abdusamad YuNUSOV,**
**Zangiota tumani,**
**O`zgarish qishlog`i.**

# ХАЛОСКОР СИГИР

**("Йўлдошбек ҳангомалари" туркумидан)**

Қишлоқдан ўн чақиримча нарида Кенгсой деган кончилар шаҳарчаси бор. Йўлдошбек ака бир юмуш билан шу ёққа бормоқчи бўлди. Эрталаб эски "Москвич"ини тариллатиб йўлга чиқди. Қирдан ошиб тушди. Қараса, шаҳарга кираверишдаги ДАН постида уч-тўрт милиса турибди. Улар ўтган-кетган машиналарни текис тўхтатаяпти. "Оббо, Худо урди", деди ичида Йўлдошбек ака.

Кеча улфати чор бўлиб, икки шишагина пиво ичиб қўювди. Тўғри борса, қўлга тушади. Чўрт ортига қайрилиб қочса, албатта қувишади. Унда баттар бўлади. Энди нима қилди?

Йўлдошбек ака ён-верига аланглади. Бирдан кўзи ярқ этди. Ўнг тарафдаги кўм-кўк ўтлоқда бир сигир ўтлаб юрарди.

Йўлдошбек ака секин сигирнинг ёнига бориб тўхтади. Аста машинадан тушди. ДАН томонга бир қараб қўйиб, арқоннинг қозиғини суғурди. Номига сигирни у ёқ-бу ёққа етаклаган бўлди. Кейин йигирма қадамча нарига олиб бориб, темир қозиқни ерга қоқди. "Раҳмат сенга, халоскорим!" деб сигирнинг сағрига шапатилаб қўйди-да, машинасига ўтириб, қишлоққа қараб кетди. "Ана шунақа, шоввозлар, – дейди қизиқчи ўзича, – сизлар шохида юрсангиз, биз баргида ҳам юрабиламиз!"

**Саъдулла СИЁЕВ.**

## XXI аср ва дунё

### ТОМ ҚАЛИН ҚОРНИ КЎТАРОЛМАДИ

**Финляндиянинг Лаукаа шаҳридаги от спорти манежининг томи босиб қолиб, бир қизчанинг умрига завол бўлди. Яна уч қиз ва бир катта ёшдаги киши жабрланди.**

Мамлакатнинг авария маркази маълумотларига таяниб "Интерфакс" тарқатган хабарда айтилишича, бу ҳалокат манежда айнан одамлар ва отлар кўп бўлган пайтда юз берди. Жароҳатланганлар зудлик билан Финляндия марказидаги шифохонага жўнатилди. Уларнинг ҳаётига ҳеч қандай муаммо хавф солаётгани йўқ, дейишди врачлар.

Тахмин қилишларича, ҳалокатга қалин ёққан қорни манеж томи кўтаролмагани сабаб бўлган.

### МОЛ ГЎШТИ ЎРНИГА ОТ ГЎШТИ



**"Таймс" газетаси тарқатган хабарда Буюк Британия магазинларига мол гўшти деб келтирилган маҳсулот текширилганда, от гўшти бўлиб чиқди. Иккинчидан, ушбу гўштнинг таркибида фойдаланиш тақиқланган тиббий дори мавжуд экан.**

Бу ерда гап фенилбутазон дориси ҳақида бораяпти. Бундан бир неча кун аввал Европа Иттифоқи мамлакатларининг супер дўконларига келтирилган гўштда шундай зарарли дори топилгани катта жанжалга сабаб бўлганди. Энди у Буюк Британияда ҳам сотила бошлади.

Маълум қилинишича, хавфли дори топилган гўшт Бирлашган Қироллик корхоналарида қайта ишланган ва Европа мамлакатларига жўнатилган экан. Ваҳоланки, фенилбутазон дорисидан ветеринария соҳасида ҳам фойдаланиш қатъиян тақиқланган.

Қиролликнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш вазири Оуэн Патерсон юз берган ҳолатни қаллоблик деб баҳолади. "Мол гўшти ўрнига от гўшти келтирилганига жавобгарлар устидан жиноий иш қўзғатилади" деди вазир.

### ЭНГ ЙИРИК АВИАКОМПАНИЯ



**Bloomberg агентлигининг маълум қилишича, American Airlines ва US Airways компаниялари ўзаро қўшилиш ҳақида келишиб олишди. Бунинг натижасида дунёда энг йирик авиакомпания вужудга келади.**

Авиакомпанияларнинг қўшилгани ҳақидаги хабар кейинроқ расман эълон қилинади. Зеро, бу бирлашишнинг аниқ шарт-шароитлари ҳали маълум эмас.

Авиакомпаниялар расман маълум қилишдики, музокаралар 2012 йилнинг сентябридаёқ бошланган. American Airlines эгаси бўлган AMR корпорацияси 2011 йилнинг ноябрь ойидан буён таназзул ҳолатида турибди. Шунинг учун у ўз бизнесини қайта тузиши керак.

Bloomberg агентлигининг маълумотларига кўра, US Airways компанияси президенти Дуг Паркер бирлашган йирик авиакомпанияга бошлиқ бўлади. American Airlines раҳбари Том Хортон директорлар кенгаши раиси лавозимини эгаллайди.

### МЕКСИКАДА ВАЗИРЛАР САЙЁҲЛИК МАҲКАМАСИ

**Мамлакат президенти Энрике Пенья Ньето вазирлар сайёҳлик маҳкамасини ташкил этиш ҳақида фармойиш берди.**

РИА Новостининг маълум қилишича, давлат раҳбари мамлакатнинг 2018 йилгача бўлган сайёҳлик соҳасидаги миллий сиёсати тақдимотига бағишланган йиғилишда шу гапни айтган. Ушбу сайёҳлик ҳукуматини президентнинг ўзи бошқаради. Сайёҳлик ва иқтисодиёт вазирликларига эса мамлакатдаги ҳар бир курорт бўйича рақобатбардошликни таъминлашга қаратилган дастур ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Президентнинг матбуот хизмати маълум қилишича, давлат раҳбари "Қудратли сайёҳлик мамлакатига айланиши учун Мексикада ҳамма зарур шарт-шароитлар бор, биз бундан фойдалана оламиз ва албатта шундай қиламиз" деб таъкидлаган.

### ПАРЛАМЕНТНИ ПОРТЛАТМОҚЧИ ЭДИ...



**Норвегия полицияси парламент биносини портлатиш ҳақида пўписа қилган 20 ёшли йигитни ҳибсга олди.**

Қўпорувчиликда тахмин қилинаётган йигит ўз уйида қўлга тушди. Тинтув чоғида тартиб посбонлари ўқ ўтмайдиган нимча, газли тўппонча, шунингдек, бир қоп буюмларни топиб олишди. Аслида, қўпорувчи ҳақида автобус ҳайдовчиси хабар берган эди. Гўё ҳайдовчи ўша йигит телефон орқали кимгадир парламент биносига бомба жойлаштирмоқчи эканини айтган. Норвегиянинг NRK телерадиокомпаниясининг маълумотига қараганда эса, полицияга қўпорувчи билан бир автобусда борган йўловчи мурожаат қилган.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

## Рассом хандаси




– *Хоним, сизни бу пальтода кўрган эркак ўзини ташлаб юборади.*
– *Гапингиз рост, эрим биринчилардан бўлди.*

«GLOBAL GRAPHIC PRESS» масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 60 000 000 сўмдан 20 000 000 сўмга камайтирилади.

Ҳамза тумани ТСРЎИ томонидан 04.05.2011 йилда гувоҳнома рақами № 002041 билан рўйхатдан ўтган (ИНН 301980141) «MONOLIT-PROGRESS INDUSTRIYA» масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани ҳокимияти ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган «BAXT OMAD BIZNES» масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 129 496 000 сўмдан 54 996 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Утерянный диплом Т 033548, выданный Тиббиёт билим юрти Чиланзарского района г. Ташкента в 2003 г. на имя Холовой Гулбахор Ўктамовны,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати давлат унитар корхонаси томонидан 30.06.2006 йилда «CHUQURSOY-TAYYORLOV» МЧЖга берилган 1609-сонли 18-шаклдаги маълумотнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянные документы: 1. Гувохнома 008063-08 от 13.07.2012 г; 2. Устав; 3. Лицензия на оптовую торговлю УС № 007296 от 07.02.2011 г.; 4. Круглая печать и угловой штамп; 5. Лицензия на полиграфическую деятельность реестр № 10-2402 от 04.03.2011 г. на ООО «UNIVERSAL TADQIQOTCHI» Чиланзарского района,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: **Тошкент вилояти ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир**
**Убайдулла АБДУШОҲИДОВ**

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**e-mail:** th.tp@mail.ru

**Телефонлар:**
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**
Навбатчи **Бекзод ҲИДОЯТОВ**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 6407. Адади 16 691. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.10.